

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМРАЕВА САЙЁРА НАСИМОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ
ИНФРАТУЗИЛМАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc)
диссертации по экономическим наукам**

**Table of contents of the abstract of the doctoral (DSc)
dissertation on economic Sciences**

Хамраева Сайёра Насимовна

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион
ривожлантириш йўналишлари..... **3**

Хамраева Сайёра Насимовна

Направления инновационного развития инфраструктуры в сельском
хозяйстве **35**

Khamraeva Sayyora Nasimovna

The directions of the innovative development of the infrastructure in
agricultural system..... **65**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works **69**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМРАЕВА САЙЁРА НАСИМОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ
ИНФРАТУЗИЛМАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/Iqt147-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Эргашев Раҳматулла Хидирович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муртазаев Олим
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мирзаев Кулмамаат Джанзакович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қодиров Абдусатторхўжа
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел. (99871) 237-46-68, e-mail:admin@tiame.uz)

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail:admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ў.П. Умурзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д, профессор

Б.Ф. Султанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.н., катта илмий ходим

Н.С. Хушматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги жаҳондаги интеграциялашув жараёни шароитида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш асосида тармоқнинг ташқи ўзгарувчан муҳитга мослашувчан, турли хилдаги инновациялар ва илмий-техника тараққиётига таъсирчан бўлишини тақозо этмоқда. Шу боис, дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида қишлоқ хўжалиги тараққиётининг замонавий босқичи – унинг самарадорлигини ошириш учун аграр соҳа ва фан-техника соҳаси тармоқларининг тизимли интеграциясини таъминловчи инновацион моделга ўтиш босқичи деб тавсифланмоқда. Хусусан, “ҳозирги кунда ер, энергия ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланишга, шу билан бирга, дунёдаги қашшоқ аҳолининг эҳтиёжларига кўпроқ эътибор қаратиш имконини берувчи ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тизимларини оптималлаштириш ҳамда янги бизнес моделларини татбиқ этиш мақсадида “ақлли қишлоқ хўжалиги”ни яратишга зарурат туғилмоқда”¹.

Дунё аҳолисининг 2050 йилга бориб, 9,7 млрд. кишига² етиши жаҳон миқёсида глобал муаммоларни келтириб чиқаради. Ушбу муаммолар етарли миқдорда овқатланиш ҳуқуқига эришиш ва ҳар бир одамнинг очликдан озод бўлиш учун асосий ҳуқуқига жиддий таҳдид солмоқда. Кўпайиб бораётган аҳолини озиқлантириш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилардан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш талаб қилинади. Шу нуқтаи назардан, инновация озиқ-овқат тизимини ислоҳ қилиш, оилавий фермерларни қашшоқликдан қутқариш, озиқ-овқат хавфсизлиги, барқарор қишлоқ хўжалиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йил 25 сентябрда қабул қилинган “Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган барқарор ривожланиш соҳаси Кун тартиби” резолюциясига³ эришишга ёрдам берадиган асосий восита ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам инновацион жараёнларни иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида фаоллаштириш учун барча шароитларни таъминлашга эътибор қаратиб келинмоқда. Инновацион ривожланиш қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шу билан бирга, унинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқларини ривожлантиришнинг янги босқичига ўтиш имконини беради. Бу борада мамлакатимизни модернизация қилиш шароитида “қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим”, “йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур”⁴ ҳамда “қишлоқ хўжалиги техно-

¹ https://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2017/article_0006.html // Глобальный инновационный индекс 2017 г.: в рейтингах лидируют Швейцария, Швеция, Нидерланды, США и Соединенное Королевство.

² Ўша ерда.

³ <http://www.fao.org/about/meetings/agricultural-innovation-family-farmers-symposium/about/en/>; Consensus Reached on New Sustainable Development Agenda to be adopted by World Leaders in September; Open Working Group proposal for Sustainable Development Goals.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 23 декабрь.

логияларини мукамал эгаллаган, замонавий ишлаб чиқариш ва инновация усулларида хабардор фермерлар сув билан ҳаводек зарур⁵лиги устувор вазифа этиб белгиланди. Бунда инфратузилманинг инновацион ривожлантириш усул ва механизмлари нафақат миллий иқтисодиётнинг замонавий бозор тамойилларига жавоб бериши, балки ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши зарур. Умуман, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоғида инновацион фаолият ва жараёнларни мажмуавий ҳолда ўрганиш, амалиётда ҳосил бўлган ҳолатни танқидий нуктаи назардан кўриб чиқиш ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш объектив заруратга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁶. Инфратузилма тармоғи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Harvard University (АҚШ), Канада Илмий кенгаши ва

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь.

⁶ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.bloomberg.com/graphics/2015-innovative-countries/>; <https://www.wur.nl/>; <http://www.cirad.fr/>; www.un.org/; <http://agriculture.vic.gov.au/>; <https://www.ugent.be/>; <http://www.kgau.ru/new/all/konferenc/05/>; <https://www.nesta.org.uk/>; <http://ap.ffc.agnet.org/>; <http://ec.europa.eu/>; <http://old.timacad.ru> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

унинг таркибидаги Канада қишлоқ хўжалиги тадқиқотлар кенгаши (САРС), Қишлоқ хўжалиги тадқиқотлар хизмати (АҚШ), NESTA is the National Endowment for Science, Technology and the Arts (Фан, технология ва санъат миллий жамғармаси, Буюк Британия), Штатлардаги Тадқиқотлар олиб бориш бирлашган хизмати (АҚШ), Steinbeis университети (Германия), Flamanders Interuniversity Institute for Biotechnology – VIB (Фландрия), Agriculture Infrastructure and Jobs Fund (Австралия), Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Умумроссия илмий-тадқиқот институти, Федерал давлат бюджет илмий муассасаси “Ахборот ва агросаноат мажмуасини муҳандислик-техник таъминлаш бўйича Россия илмий тадқиқот институти” томонидан амалга оширилмоқда.

Дунёда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантириш ва аграр соҳада инновацияларни жорий этиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: инновацияларни жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлаш (NESTA is the National Endowment for Science, Technology and the Arts); қишлоқ хўжалиги соҳасига инновацияларни жорий этиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини барқарорлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан фан ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаш (CIRAD (French Agricultural Research Centre for International Development) is a public establishment (EPIC), Франция, United States Department of Agriculture (USDA), Food and Agriculture Organization (FAO), АҚШ); инновацион салоҳиятга таъсир қилувчи ички омиллар ёритиб берилган ҳамда Европа Иттифоқининг агросаноат корхоналари мисолида уларнинг таъсири баҳоланган (Wageningen University and Reserch Center, Нидерландия, Ghent University, Бельгия) фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларга ўз маҳсулотларини бозорга олиб чиқишга кўмаклашиш учун инфратузилма соҳасига инвестицияларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш, аграр соҳада инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш (AIJF- Agriculture Infrastructure and Jobs Fund, Австралия, штат Виктория), қишлоқ хўжалигида биотехнологияларни жорий этиш (Belfer Center for Science and International Affairs, Harvard Kennedy School, Harvard University, АҚШ), аграр соҳанинг муҳандислик-техник таъминотини такомиллаштириш (К.А.Тимирязев номи Москва Қишлоқ хўжалиги академияси – Россия давлат аграр университети, Россия).

Дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: илм-фан ва техника соҳасидаги замонавий тенденцияларни қўллаган ҳолда инновацион ривожланиш механизмларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, шу жумладан, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш асосида уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалигида инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини асослаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётнинг турли соҳаларини, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани

инновацион ривожлантиришнинг баъзи илмий-назарий ва ташкилий-иқтисодий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан: D.A.Aschauer, R.Wethersfield, I.R. Bright, A. Show, Л.И.Абалкин, И.Ансофф, В.П.Баранчеев, И.К.Беляевский, Ж.Брайт, В.П.Красовский, К.Р.Макконел, С.Л.Брю, М.Портер, И.С.Санду, Б.Санто, А.Смит, Р.Такер, Б.Твисс, Р.А.Фатхудинов, В.Ф.Федоренко, М.Хучек, Ф.К.Шакиров, Й.Шумпетерлар⁷нинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Бу борадаги айрим масалалар республикамиз иқтисодчи олимлардан: У.П.Умурзаков, Қ.А. Чориев, Ч.Муродов, Н.С.Хушматов, С.С.Ғуломов, Қ.Д.Мирзаев, Т.Х.Фармонов, Б.Б.Беркинов, Р.Х.Эргашев, А.М.Қодиров, Б.Ф.Султонов⁸ ва бошқаларнинг илмий ишларида қисман ўрганилган. Аммо қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш муаммолари иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитини

⁷ Aschauer D.A. Is Public Expenditure Productive? // Journal of Monetary Economics. – 1989. №23. – P. 177-200.; Show A. Some Problems in Market Distribution. Quarterly Journal of Economics, XXVI August 1912. – P. 703-765.; Wethersfield R. Middlemen in English Business // Transactions of the Connecticut Academy of Arts and Sciences, XIX New Haven, 1915.; Bright I.R. Some Management Lessons from Technological Innovation Research, National Conference on Management of Technological Innovation, University of Bradford Management Centre, 1968.; Абалкин Л.И., Абрамова М.А., Алексеев А.И. Национальная экономика: Учебник. – М.: Экономист, 2005. – С. 813.; Ансофф И. Стратегическое управление. – М.: Экономика, 1989. – С. 358.; Баранчеев В.П. Управление инновациями. – М.: Высшее образование, 2009, – С. 712.; Статистика рынка товаров и услуг: Учеб. для студентов ВУЗов, обучающихся по специальностям «Статистика», «Маркетинг» и др. экон. специальностям / Беляевский И.К., Кулагина Г.Д., Данченко Л.А. и др. Под ред. И.К.Беляевский. – М.: Финансы и статистика, 2002 – С.364.; Резервы повышения эффективности инвестиционного комплекса: монография / В.П. Красовский, Л.М. Смышляева, М.Н. Лойтер и др.; Под ред. В.П. Красовского, Л.М. Смышляевой. – М.: Экономика, 1984, – С.238.; Макконел К. Р., Брю С. Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х т. – М.: Республика, 1992, – С 388.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2-х т. – М.: Наука, 1992. Т.1. С. 13.; Такер Р. Инновации как формула роста: новое будущее ведущих компаний (пер. с англ. Анкудинова А.), 2006, – С.240.; Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ./ Под ред. В.Д.Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993, – С. 64.; Твисс Б. Управление научно – техническими нововведениями: сокр. пер. с англ./ Авт. предисл. и науч. ред. К.Ф. Пузыня. – М.: Экономика, 1989. – С 31.; Портер М., Брайт Ж, Твисс Б, Санду И.С. Проблемные вопросы инновационного развития АПК. – М.: РосАКО АПК, 2005, – С 5-6.; Санто Б. Инновация, как средство экономического развития: Пер. с венг./ Общ. ред. и вступ. ст. Б.В.Сазонова. – М.: Прогресс, 1990. – С. 296.; Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент.: Учеб. для ВУЗов. – М.: ЗАО «Бизнес-школа «Интел-синтез», 1998, – С.17.; Хучек М. Инновация на предприятии и их внедрение. – М.: Луч, 1992 г.; Федоренко В.Ф. Научно-информационное обеспечение инновационного развития в сфере сельского хозяйства: науч. изд. – М.: ФГБНУ «Росинформагротех», 2011. – С. 368.; Грядов С.И., Пастухов А.К., Шакиров Ф.К. Организация производства на предприятиях АПК: Учебник для вузов (под ред. Шакирова Ф.К.). – М.: Колос, 2004, – С.224.; Шумпетер Й. История экономического анализа: В 3 тт (пер. с англ., под ред. Автономова В.С.). – М.: Экономическая школа, 2004, – С.1666.

⁸ Умурзаков Ў.П., Султонов Б.Ф., Умаров С.Р. Сув хўжалигини инновацион асосда ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. – Т.: Navro'z, 2015.-148 б.; Мухторов А.Х., Султонов Б.Ф., Саиджонов С.Ж. Аграр соҳани инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (монография) – Тошкент: ҚХИИТИ, 2014. – 98 б.; Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари. – Т.: ТДИУ, 2007. – 23 б.; Мирзаев Қ.Д. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари. дисс. ...икт. фан. докт. – Сам., 2011. – 200 б.; Муродов Ч. Қишлоқда бозор инфратузилмаси асосларини шакллантириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 2-4.; Хушматов Н., Файзуллаева Т. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш асослари // Экономика и класс собственников. – Тошкент, 2004. №1. – 46 б.; Фармонов Т.Х. Фермер хўжалиқларини ривожлантириш истикболлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, – 2004. – 30 б.; Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигини инновациялар асосида модернизациялаш самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. – Тошкент: ЎзБИИТИ, – 2013, 24-бет; Ғуломов С.С. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолиятини бошқариш механизмини мукамаллаштириш. – Т., ТДАУ: 2008; Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Янги авлод, 2012 – 332 б.

ҳисобга олган ҳолда мажмуавий тарзда, алоҳида мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Хорижий мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлар эса, аввало, агросаноат мажмуасида инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, инфратузилма тармоғини инновацион ривожлантириш масалалари эса етарли даражада ўрганилмаган. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда 2018-2019 йилларга мўлжалланган ИЗ-20170928247-рақамли «Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида уй хўжаликларида тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг иқтисодий ва молиявий механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш бўйича илмий-назарий, услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаган ҳолда унинг илмий-назарий ва услубий жиҳатларини асослаш;

қишлоқ хўжалигига оид инфратузилма тармоғини инвестицион-инновацион ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг инновацион ривожлантириш тенденциясини ўрганиш, унга таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш асосида SWOT-таҳлил ўтказиш;

қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқларида инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари ва тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигига оид инфратузилмани инновацион ривожлантириш натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлик турларини аниқлаш, уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни илмий ҳамда амалий жиҳатдан асослаш;

қишлоқ хўжалигида инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш шарт-шароитларини ўрганган ҳолда унинг концептуал моделини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда малакали кадрлар таъминотини яхшилашга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

ўсимликчилик ва чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият

юритаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, анкета сўров, монографик кузатув, SWOT-таҳлил, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

анъанавий талқиндан фарқли ўлароқ, биологик, техник, технологик ва ташкилий инновациялар самарадорлигини оширишга олиб келувчи модернизациялашнинг устувор йўналишини эътиборга олиб, “қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма” ҳамда “қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш” тушунчаларининг иқтисодий мазмуни аниқлаштирилган;

қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг инновацион ривожлантириш даражасини баҳолашнинг умумий индексини тавсифловчи инновацион имконият индекси (I_i), инновацияга талаб даражаси индекси (I_{td}) ва таркибий индексни (I_t) аниқлаш усули ишлаб чиқилган ҳамда биологик, техник-технологик ва ташкилий инновацияларнинг самарадорлигига таъсирини баҳолаш услуги таклиф этилган;

қишлоқ хўжалиги субъектларига моддий-техник таъминот хизматларини мажмуавий амалга оширувчи интеграллашган, кўп тармоқли технологик марказларни ташкил этиш асосланган;

худудларда чорвачилик тармоғининг ривожланганлик даражаси бўйича ветеринария марказларини мақбул жойлаштириш ҳамда “Кўчма тез ёрдам”, “Онлайн” сингари инновацион хизматларни ташкил этиш асосланган;

қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган 2024 йилгача мўлжалланган прогноз параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани баҳолаш индексини 3 та субиндекс, яъни инновацион имконият индекси, истеъмолчиларнинг инновацияга талаб даражаси индекси ва таркибий индекслар орқали аниқлаш таклиф этилган;

республикада қишлоқ хўжалиги тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ривожланганлик ҳолати ва аграр сиёсатнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тармоқни инвестицион-инновацион ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган;

фермер хўжаликлари ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ўртасида сўровнома натижалари бўйича инновацияларни киритишга тўсқинлик қилувчи муаммолар аниқланган ҳамда инновацион ривожланишга таъсир этув-

чи ижобий ва салбий омилларни ҳисобга олган ҳолда SWOT-таҳлил амалга оширилган;

кластерлар ташкил этилган ҳудудларда фермер хўжаликларига самарали хизмат кўрсатиш мақсадида истиқболда инфратузилма объектларини ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, монографик кузатув олингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ушбу йўналишдаги услубий ёндашувларни такомиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоғини инновацион ривожлантириш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар аграр инновацион сиёсатни рағбатлантирувчи ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юрларида “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Инновацион иқтисодиёт” ва “Инновацион инфратузилма” фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг илмий, назарий ва услубий асосларини такомиллаштиришга оид масалалар 5230100-Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” дарслигига киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи, 603-329 гувоҳнома). Натижада, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тизимли ва кенгроқ тушуниш орқали уни инновацион ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича талабаларда назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳосил қилишга эришилган;

қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш натижасида қишлоқ хўжалигида олинадиган самарадорлик турлари ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубиётини хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мониторингини ўтказишда қўллаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги

вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-3-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши натижасида тармоқда инновацион жараёнларнинг жадаллашуви, олинадиган инновацион маҳсулот ҳажмининг ошиши ва пировардида, тармоқнинг барқарор-лашуви таъминланган;

қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган технологик марказларни шакллантириш бўйича амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-3-сон маълумотномаси). Таклифнинг жорий этилиши инфратузилма соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги техникаларининг оптимал таркибини белгилаш, потенциал мижозлар ва технологик марказлар ўртасида ўзаро манфаатга асосланган иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш имконини берган;

худудларда чорвачиликнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти, ривожланганлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган зооветеринария марказларини ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитасининг 2018 йил 16 майдаги 02/14-137-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий этилиши билан чорвачилиқда профилактика ишларини самарали ташкил этиш, зооветеринария хизматларининг сифатини ва чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириб бориш ҳамда чорвачиликнинг самарали фаолият юритиши таъминланган;

эконометрик модель асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланаётган инновацион маблағлардан самарали фойдаланиш орқали ялпи маҳсулотни кўпайтиришга қаратилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-3-сон маълумотномаси). Прогноз натижаларига, кўра қишлоқ хўжалигида 2024 йилга қадар инновацион харажатлар киритилиши натижасида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлар ҳажми 2018 йилга нисбатан 26,6 фоизга кўпайиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 26 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш, шу жумладан, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, шу жумладан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 224 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш ва таркибий такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари, қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қишлоқ хўжалигига оид инфратузилмани инновацион ривожлантириш даражасини баҳолашнинг услубий асослари ёритилган.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги тушунчаларнинг такомиллашган муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилди:

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма – бевосита ва билвосита қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга (қайта ишлаш корхоналарига, аҳолига) етказиб беришгача бўлган жараёнларда шарт-шароитларни таъминловчи хизматлар мажмуидан иборат.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш деганда, қишлоқ хўжалигида биологик, техник, технологик ва ташкилий инновацияларни яратиш ва ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг рақобатбардошлик даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимига айтилади.

Инновация фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёнлари, янги истеъмол хусусиятларга эга маҳсулотларни (товар, маҳсулот, техника, технология, бошқа ташкилий шакл ва воситалар) шакллантириш, амалиётга жорий этишга асосланган инвестицион ва ижодий фаолиятнинг моддийлашган якуний натижаси бўлиб, бозор ва ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилишига қўмаклашади, харажатларни тежайди ва инсонларнинг турли хил ҳаёт ва фаолият соҳаларида турлича самара беришини таъминлайди.

Инновацион инфратузилма ташкилий-иқтисодий институтлар мажмуаси бўлиб, иқтисодий самарадорлик принциплари асосида бевосита инновацион жараёнларни амалга ошириш учун шароитлар билан таъминлайди.

Фикримизча, инфратузилмани, бир томондан, иқтисодий имкониятни ифодаловчи, яъни бозор муносабатлари учун шарт-шароитларни таъминлаб берувчи тизим сифатида ўргансак, иккинчи томондан, бозор субъектлари ўрта-

сида товар-пул муносабатларини шакллантиришга қаратилган иқтисодий муносабатлар сифатида алоҳида ўрганиш лозим.

Умуман, *инфратузилма мажмуи*, бу – иқтисодиётнинг махсус тармоғи ва иқтисодий фаолиятнинг махсус кўриниши бўлиб, ижтимоий-хусусий ҳамкорлик асосида ва давлат кўмагида амалга оширилади ҳамда глобал, миллий-ҳудудий ва корхона миқёсида ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожланиш учун шарт-шароитлар яратиш ва яхшилашга йўналтирилган бўлади.

Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатаётган инфратузилмани хизмат турларининг характериға кўра, моддий таъминот, молиявий таъминот, ахборот таъминоти ва реклама, ихтисослашган хизмат, ташиш ва сақлаш ҳамда инновацион таъминот хизматлари каби турларга ажратиш мақсадга мувофиқ (1-расм).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ИНФРАТУЗИЛМА	
Моддий-техник таъминот хизмат турлари	• эҳтиёт қисмлар таъминоти, техник сервис, биржа, уруғлик билан таъминлаш, кимё хизмати, ЁММ билан таъминлаш
Молиявий таъминот хизмат турлари	• лизинг, хизмати, банк хизмати, инвестиция компаниялари, суғурта, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси
Ахборот таъминоти ва реклама хизмат турлари	• ахборот консалтинг, юридик хизмат, аудит, маркетинг ва реклама, алоқа
Ихтисослашган хизмат турлари	• ММТП, МТП МЧЖ, Сув истеъмолчилари уюшмаси, зооветеринария хизмати, ўсимликларни ҳимоя қилиш
Ташиш ва сақлаш хизмат турлари	• тайёрлов хизмати, транспорт, тара қадоклаш материаллари ишлаб чиқариш, агрофирма, логистик марказлар
Инновацион хизмат турлари	• илмий тадқиқот институтлари, илмий марказ, лабораториялар, агротехнопарк, агротехнополис, инновацион марказлар

1-расм. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма таркиби⁹

Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи инфратузилмани ушбу тартибда таснифлаш унинг бажарадиган вазифасини тўлақонли акс эттиради, шу билан бирга, келажакда фермер хўжаликлариға кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертацияда қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришни баҳолашнинг ягона индексини ҳисоблаш учун, аввало, уни характерловчи 3 та субиндексларни аниқлаш таклиф этилган.

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Биринчиси, инновацион имконият индекси (I_i) интеллектуал ва ташкилий ресурслар, моддий-техник мажмуа, меҳнат, ахборот ва молиявий ресурсларнинг ҳолати, қуввати ва захирасини ифодаловчи (тадқиқотлар сони (K_t), тадқиқотлар (S_t) ва ишланмаларга (S_i) сарфланган харажатлар, патентларнинг мавжудлиги (P_s)) кўрсаткичлардан иборат индексларни ташкил этади:

$$I_i = K_t + S_t + S_i + P_s/4 \quad (1)$$

Иккинчиси истеъмолчиларнинг инновацияга талаб даражаси индекси (I_{td}) истеъмолчилар томонидан интеллектуал маҳсулотларни харид қилиш ва корхона фаолиятида қўллашга тайёргарлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлар индекси (қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма (F_i) ва аграр соҳада фаолият юритаётган субъектларнинг (F_{qx}) молиявий аҳволи, мутахассисларнинг малака даражаси (M_d), корхоналарда номоддий активларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш (A_d)):

$$I_{td} = F_i + F_{qx} + M_d + A_d/4 \quad (2)$$

Учинчиси, таркибий индекс бўлиб (I_t), қишлоқ хўжалигига оид инфратузилмани инновацион ривожлантириш жараёнида инновацион инфратузилманинг элементлари ёрдамида бажарилган вазифаларнинг интеграл-лашган ва самарадорлик даражасини англатади (инновацион инфратузилма корхоналари сони K_s , жами инфратузилма объектлар таркибида инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар улуши K_u ; инновацион лойиҳаларни амалга оширишдан олинган соф фойда SF):

$$I_t = K_s + K_u + SF/3 \quad (3)$$

Худуднинг ягона индекси алоҳида индексларнинг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисоблаб чиқилади. Ўз навбатида, ҳар бир индекс кўрсаткичлар гуруҳи билан ифодаланади. Ушбу индексларнинг хусусияти шундан иборатки, ҳар бир худуд бўйича олинган натижалар ўртача республика бўйича мос индекслар билан ёки норматив қийматлар билан таққослаб чиқилади.

Жамиятда ҳар қандай фаолиятнинг ривожланиши иқтисодий манфаат асосида шаклланишини ҳисобга олган ҳолда инновацион инфратузилмани ривожлантириш натижасида тўртта субъект: давлат ва худудий ҳокимият (ҳукумат), аграр соҳадаги хўжалик юритувчи субъектлар (фермер ва деҳқон хўжаликлар, инно-вацион инфратузилма хизматларининг истеъмолчилари) ҳамда инновацион инфратузилма объектлари томонидан кўриладиган стратегик, ижтимоий ва иқтисодий самаралар нуқтаи назаридан асослаб берилган. Таклиф этилаётган баҳолаш тизими универсал бўлиб, турли хил инновацион инфратузилма объектлари фаолияти мониторингини ўтказишда қўллаш мумкин.

Тадқиқот жараёнида биологик, техник-технологик, ташкилий ва экологик инновацияларни жорий этиш натижасида эришиладиган иқтисодий, ижтимоий

ва экологик-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш услубиёти такомиллаштирилди. Қишлоқ хўжалигини иновацион ривожлантиришнинг самарадорлик кўрсаткичлари олинган самара туридан келиб чиққан ҳолда тизимлаштирилди ва турлича харажатлар билан қиёсланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани иновацион ривожлантиришнинг самарадорликка таъсирини аниқлаш услубиёти¹⁰

Самарадорлик турлари	Иновация кўринишлари	Кўрсаткичлар	Изоҳ
Иқтисодий	Биологик	$B_s = \frac{\Delta YaM}{I_m}$	B_s – ўсимликлар (чорва моллари)нинг генетик имкониятларини ошириши (биологик инновацияларни жорий этиши) ҳисобига олинган самарадорлик ΔYaM – биологик инновациялар ҳисобига олинган қўшимча деҳқончилик (чорвачилик) маҳсулотлари ҳажми; I_m – ўсимликларнинг генетик потенциалини ошириши, юқори ҳосилдор навлар, биотехнологиялар, генетик муҳандислик (чорва молларининг генетик потенциалини такомиллаштириши, юқори маҳсулдор чорва моллари, биотехнологиялар, генетик муҳандислик)дан унумли фойдаланиши учун сарфланган харажатлар
		$B_{so} = \frac{\Delta YaM}{O_b}$	B_{so} – озуқа базасини яхшилаш ҳисобига олинган самарадорлик O_b – озуқа сифати ва чорва молларини озиқлантириши рақибларини яхшилашга сарфланган харажатлар
		$K_{so} = \frac{O_h}{\Delta YaM}$	K_{so} – озуқанинг конверсия коэффициенти, яъни бир бирлик олинган маҳсулот ҳисобига (1кг маҳсулот ўсиши, 1кг сут, 1кг жун ва бошиқ) сарфланган озуқа ҳажми; O_h - сарфланган озуқа миқдори; ΔYaM – чорвачиликда олинган маҳсулот ҳажми
	Техник-технологик	$I_t = \frac{\Delta YaM}{F_{as} + F_{ay}}$	I_t – деҳқончилик (чорвачилик) соҳасинининг техник-технологик самарадорлиги; ΔYaM – деҳқончилик (чорвачилик) соҳасини техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш (энергетик ресурсларни такомиллаштириши, иновацион ишланмаларни жорий этиши) ҳисобига олинган маҳсулот; $F_a + F_{ay}$ – деҳқончилик (чорвачилик) соҳасини техник-технологик қайта жиҳозлаш учун сарфланган асосий ва айланма воситалар қиймати
		$T_e = \frac{\Delta YaM}{E_r}$	T_e – энергетик ресурсларни такомиллаштиришнинг техник-технологик самарадорлиги E_r – деҳқончилик (чорвачилик) соҳасини техник-технологик қайта жиҳозлаш учун сарфланган энергетик ресурслар қиймати

¹⁰Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Иқтисодий	Техник-технологик	$T_i = \frac{\Delta Y_{aM}}{I_{in}}$	T_i – ишлаб чиқаришга инновацион ишланма ва лойиҳаларни (янги нав, сугоришнинг замонавий усуллари, сунъий уруғлантириш, янги зот) жорий этиши ҳисобига олинган техник-технологик самарадорлик; I_{in} – инновацион ишланмаларга сарфланган маблағ
		$I_t = \frac{\Delta T}{I_{in}}$	I_t – инновацияларни киритиш ҳисобига харажатларни тежашдан олинган иқтисодий самарадорлик; ΔT – инновацияларни киритиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришда тежалган харажат; I_{in} – инновацион ишланмаларга сарфланган маблағ (харажат)
		$I_f = \frac{F}{I_{in}}$	I_f – инновацияларни киритишда фойданинг кўпайиши ҳисобига олинган иқтисодий самарадорлик; F – инновацияларни киритишда олинган фойда
		$R = \frac{F}{I_{in}} * 100\%$	R – инновацион фаолиятнинг рентабеллик даражаси, фоизи
		$M_u = \frac{\Delta Y_{aM}}{V}$	M_u – инновацион ривожлантиришнинг меҳнат унумдорлиги; V – инновацион фаолият натижасида меҳнат сарфининг камайиши
Иътимомий	Таъкилий	$RID = (ND - ST) * J_{pxq}$	RID – реал ихтиёрдаги даромадлар; ND – номинал даромад; ST – солиқлар, мажбурий тўловлар J_{pxq} – пулнинг харид қобилияти индекси (нархлар индексига тескари кўрсаткич).
		$RIH = (NIH - SA) * J_{pxq}$	RIH – реал иш ҳақи; NIH – номинал иш ҳақи; SA – солиқлар, иш ҳақидан мажбурий ажратмалар
Экологик-иқтисодий	Экологик	$E_s = \frac{EM}{X}$	E_s – экологик-иқтисодий самарадорлик; EM – ишлаб чиқарилган экологик тоза маҳсулот ҳажми; X – экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар суммаси

Ҳозирги кунда алоҳида ишлаб чиқарилган маҳсулот тури бўйича иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қўлланиб келмоқда, аммо яхлит тармоқни инновацион ривожлантириш натижасида олинган самарадорликни аниқлаш, ишлаб чиқариш жараёнида турли хил ресурсларнинг таъсири ҳам турлича таъсир этиши натижасида, бир мунча мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларининг инновацион ривожланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг “Қишлоқ хўжалигига оид инфратузилма тизимининг ҳозирги ҳолати ва унинг инновацион ривожланиш тенденциясининг таҳлили” деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалигига боғлиқ инфратузилма тизимининг ҳозирги ҳолати ва унинг инновацион ривожланиш тенденциясининг қиёсий таҳлили амалга оширилган, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инвестицион-инновацион ривожлантириш стратегия-

си, республикада хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалигини барқарорлаштиришда инфратузилма тармоғининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликлари ташкил этилган ҳудудларда ушбу тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилди. Республика бўйича жами 8348 та турли хилдаги инфратузилма шахобчалари фаолият юритиб келмоқда, энг катта улуши Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келади. Навоий, Жиззах вилоятларида шахобчалар сони ҳам сезиларли ошган. Аммо битта шахобчага тўғри келадиган фермер хўжаликлари сони ва хизмат кўрсатиладиган майдон ҳажми ошиб боргани аниқланди, бу эса хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир этади.

Маълумки, республикада чорвачилик маҳсулотлари, яъни гўштнинг 94,4 фоизи, сутнинг 95,7 фоизи, жуннинг 85,5 фоизи ва қорақўл терининг 83,5 фоизи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Аммо зооветеринария шахобчалари, асосан, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига хизмат қилмоқда. Шу сабабли чорвачилик маҳсулоти етиштирувчи деҳқон хўжаликларининг зооветеринария хизматларига талаби қондирилмай келмоқда, чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари сифатини ошириб бориш бўйича тегишли илмий маслаҳат ва ёрдам кўрсатилмай келмоқда.

Бунинг натижасида республикада чорва молларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ривожланган мамлакатларга нисбатан анча паст бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот давомида Қашқадарё вилояти Миришкор тумани фермер хўжаликлари, ММТП, СИУ ва минерал ўғит билан таъминлаш шахобчаларининг раҳбарлари ўртасида сўровнома ўтказилди. Ўтказилган сўров-анкета натижаларига кўра, аксарият инфратузилма объектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати пастлиги, кўрсатилган хизматлар учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаётгани, зарур бўлган техника ва хизмат турларининг мавжуд эмаслиги эътироф этилган (2,3-расмлар).



2-расм. “ММТПда мавжуд техникалар ҳолати қандай?” саволига респондентлар жавоби, фоиз¹¹



3-расм. “ММТПнинг барча хизмат турлари мавжудми?” бўйича респондентлар жавоби, фоиз¹²

¹¹ Сўровнома натижалари.

Хусусан, респондентларнинг 93 фоизи ҳудудларидаги мавжуд ММТПда “техникаларнинг эскирган”лигини қайд этишган, 4 фоиз респондент “айрим техникалар эскирган” деб жавоб берган ва 3 фоизи муқобил МТПда “керакли техникалар йўқ”, деб жавоб беришган. Шунингдек, сўровномада иштирок этган респондентларнинг 35 фоизи муқобил МТПда “баъзи хизмат турлари йўқ”лигини эътироф этишган, 3 фоизи “янги хизмат турларини жорий этиш зарур”, деб ҳисоблайдилар. Респондентларнинг 83 фоизи “ММТПда техникаларни таъмирлаш ва сервис хизмати”, 17 фоизи “чорвачилик тармоғини механизациялаштиришга оид хизмат”ларни ривожлантиришни таклиф этишган.

Фермер хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ўз корхоналарига янгилик киритишда энг катта муаммо сифатида пул маблағлари етишмаслигини сабаб қилиб кўрсатишган. Шунингдек, фермер хўжаликлари раҳбарларининг 10 фоизи инновацияларни амалиётга жорий этишдаги тўсиқ сифатида “илмий иш олиб бораётган олим мутахассислар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги”ни ва 3 фоизи “фермер хўжалиги учун керакли янгиликлар тўғрисидаги маълумотга эга эмаслиги”ни кўрсатишган. (2-жадвал).

2-жадвал.

Фермер хўжаликлари ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари, фоизда¹³

Хўжалик юритувчи субъектлар	Инновацияларни киритишга тўсиқ бўлаётган муаммолар, шу жумладан				Респондентлар сони, киши	Олий маълумотлилар улуши, фоизи
	Маблағ етарли эмаслиги	Шу соҳада илмий иш олиб бораётган олим мутахас- сислар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги	Фермер хўжалиги учун керакли янгиликлар тўғ- рисидаги маълум- отга эга эмаслиги	Бошқа сабаблар		
Фермер хўжаликлари	86	10	3	1	950	20
Муқобил МТП	95	3	1	1	12	75
Минерал ўғит билан таъминлаш шаҳобчалари	100	-	-	-	12	17
Сув истеъмолчилари уюшмаси	90	5	4	1	12	17

Мазкур муаммони бартараф этишда фермер хўжаликлари ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни бозор механизмлари асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, респондентларнинг 34 фоизи истиқболда фермер хўжаликларини ривожлантиришда техника, механизм, ускуна ва ресурстежовчи техно-

¹² Сўровнома натижалари.

¹³ Анкета-сўров натижалари асосида ишлаб чиқилди.

логияларнинг янги авлодини жорий этиш, 21 фоизи ўсимликларни химоя қилишда инновацияларга талаб борлигини, 14 фоизи – чорва молларининг янги зоти ва сунъий уруғлантириш ҳамда чорва молларини парваришlashда, яна 14 фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнига янгича ёндашув, 3 фоизи ўсимликларнинг янги нав ва дурагайларини жорий этишга талаб юқорилигини билдирган.

Қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланишига таъсир этувчи ижобий (инновацион жараёнлар ривожланишига кўмаклашувчи) ва салбий (инновацион жараёнларга тўсиқ бўлаётган) омиллар аниқланди. Тўсиқ бўлаётган омиллар: давлат томонидан илмий-техник, ИТИ ва ОТМларни молиялаштириш учун ажратиладиган маблағларнинг чекланганлиги; инновациялар учун кредитларнинг юқори ставкаси; қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнлар таваккалчилиги юқорилиги; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва илм соҳаси ўртасида ўзаро алоқанинг яхши йўлга қўйилмаганлиги; инновацион фаолият билан шуғулланувчиларни моддий рағбатлантириш механизмининг етарли даражада ривожланмаганлиги; қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот ишланмаларининг етарлича ривожланмаган.


Инновацион жараёнларни рағбатлантирувчи омилларга эса: табиий ресурслар мавжудлиги; бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланиши; илмий салоҳият; ички озиқ-овқат бозорининг сиғимлилиги; экологик хавфсиз, натурал озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш имконияти.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон аграр секториди инновациялар ҳажми жами қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмига нисбатан 0,00004 фоизни ташкил этади, қишлоқ хўжалигига оид инфратузилма тармоғида эса бу кўрсаткич ундан ҳам кам, ваҳоланки ушбу кўрсаткич бошқа ривожланган мамлакатларда 20-25 баробар кўпроқни ташкил этади. 2009-2018 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга сарфланган харажатлар 354 баробарга ошган, аммо қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотига нисбатан инновацион харажатлар улуши эса 8,5 марта камайган. Бу маблағлар тармоқни инновацион ривожлантириш учун, албатта, етарли эмас.

Худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида жами жорий харажатлардан ўз кучи билан бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланган харажатлар таҳлил қилинганда, асосан, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида улуши катта эканлиги аниқланди. 2012-2018 йиллар давомида республикада қишлоқ хўжалиги тармоғи бўйича фундаментал тадқиқотларга сарфланган харажатлар 135,7 фоиз ва амалий тадқиқотларга харажатлар 120,4 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг инвестицион-инновацион ривожланиши кенг қамровли фаол жараён бўлиб, молиявий ресурслардан фойдаланиш, қўшимча молиялаштириш манбаларини жалб этиш, инвесторларни излаш жараёни янги билим ва ғоялар, янги технологияларни қўллаш, жорий этиш, хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва инфратузилма тармоқларида бошқарувнинг янги шакллари амалиётда қўллаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу муаммони фақатгина инвестицияларнинг инновацияларга мос бўлиши, инвестицион ва инновацион жараёнларнинг ўзаро мутаносиб ҳолда ривожланиши шароитида ҳал этиш мумкин. Бундай ёндашув инвестиция ва инновацияларни бир тизим сифатида ўрганиш мажбуриятини юклайди ва унинг муваффақиятли ривожланиши ҳамда фаолият юритиши қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг иқтисодий ўсиши ва барқарор ривожланиш даражаси билан чамбарчас боғлиқдир (4-расм).



Қишлоқ хўжалиги асосий фаолият тури бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд.сўм

■ Қишлоқ хўжалиги асосий фаолият тури бўйича асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми, млрд.сўм

■ Дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларга хизмат кўрсатиш бўйича жами инвестициялар, млрд.сўм

■ Қишлоқ хўжалиги асосий фаолият тури бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар улуши жамига нисбатан фоизда, %

× Қишлоқ хўжалиги асосий фаолият тури бўйича асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми улуши жамига нисбатан фоизда, %

4-расм. Қишлоқ хўжалигида инвестициялар ҳажмининг ошиш тенденцияси¹⁴

Таҳлилларга кўра, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратилган инвестициялар ҳажми кейинги йиллар давомида ошиб борган, аммо иқтисодиёт тармоқларига сарфланган жами инвестициялар ҳажмида қишлоқ хўжалигига ажратилган инвестициялар улуши камайиб бормоқда ва 2018 йилда 3,3 фоизни ташкил этган. Ажратилган инвестициялар асосий қисми суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфлаб келинмоқда.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари фаолиятини инновацион ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турлари ва шакллари таҳлил қилинган,

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Далат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

соҳани инновацион ривожлантириш ҳамда малакали кадрлар билан таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Аграр соҳада олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар харажатларининг асосий қисми давлат томонидан молиялаштирилади, бунда асосий вазифа илмий-инновацион фаолият субъектлари ўртасида молиялаштиришнинг самарали рақобатбардош механизмларини тақсимлаш ҳисобланади. Давлат томонидан аграр соҳада инновацион фаолиятни тартибга солиш қуйидаги механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этади: муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, лойиҳа ва илмий ишланмаларни патентлаш қонунчилигини шакллантириш, солиқда имтиёзларни белгилаш, инновацион фаолиятни молиялаштирувчи корхоналарни рағбатлантириш ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалигида таваккалчилик даражаси юқори бўлганлиги сабабли, инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун киритилган маблағ қайтмаслиги ҳам мумкин. Шундай ҳолатларда давлат аграр соҳада венчур фондларини ривожлантириш орқали инновацион лойиҳалар самарасиз бўлганда турли давлат кафолатли инвестиция лойиҳаларидан фойдаланиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма соҳасида инновацион фаолиятни венчурли молиялаштириш тизими жорий этилганда давлат томонидан тартибга солиниши талаб этилади, яъни:

– венчур компаниялар ва аграр соҳада инновацион фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминловчи инфратузилма объектларини ривожлантириб бориш;

– таваккалчилиги юқори бўлган лойиҳаларга жалб этилган инвестициялар учун зарур бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

– аграр соҳада инновацион лойиҳаларни молиялаштирувчи венчур компанияларни жалб эта олувчи иқтисодий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

– аграр соҳада инновацион тадбиркорлик билан шуғулланувчилар эркинлигини таъминлаш;

– аграр соҳада венчур тадбиркорлиги билан шуғулланувчи компанияларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми бу – соҳада инновацион фаолиятни амалга ошириш ва инновацион ривожланишга кўмаклашувчи шакл, дастак ва бошқарув усуллари йиғиндиси ҳисобланади.

Механизмнинг **ташкилий асоси** инновацион жараённи ташкил этиш учун зарур қоида, норма, назорат, мотивация, давлат томонидан ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, давлат томонидан ахборот ва маслаҳат соҳасида қўллаб-қувватлаш ва АСМда турли хил инновацион корхоналар, яъни агротехнопарклар, инновацион форумлар, марказ ва жамғармаларни ташкил этишдан иборат.

Инновацион ривожлантириш ташкилий-иқтисодий механизмининг **молиявий-иқтисодий таркибини** иқтисодий дастаклар ташкил этади. Бунга қуйидагиларни: ресурс ва маҳсулотлар нархини тартибга солиш; кредит сиёсати; қиш-

лоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш; инвесторларнинг таваккалчилигини суғурта қилиш тизими; бозор, корхона ва инвестицион лойиҳаларни иқтисодий таҳлил қилишни киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришга **ҳуқуқий асослар** таъсирини баҳолашда солиққа тортишдаги қонунчилик, давлат харажатлари, антимонопол қонунчилик ва пул-кредит сиёсатида бўладиган ўзгаришларни таҳлил қилиш лозим.

Инновацион ривожлантиришнинг **ижтимоий асосини** меҳнатга муносабат, истеъмолчиларнинг даромади, товар ва хизматлар сифатига муносабат, аҳолининг турмуш фаровонлиги сингари кўрсаткичлар ташкил этади. Шу билан бирга, инновацион ривожланишга ҳудудларнинг ижтимоий ривожланганлик даражаси ҳам таъсир этади.

Жаҳон тажрибасига кўра, инновацион ривожланиш жараёнида кадрлар таъминоти тизимида аҳамиятсиз камчиликлар ҳам самарадорликнинг кескин пасайишига, корхонани банкротлик ҳолатига олиб келиши мумкин¹⁵.

Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоғини инновацион ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, кадрлар сиёсати тизимини янги босқичга кўтариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот давомида қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг бор-йўғи 7,9 фоизи, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ходимларнинг эса 12,4 фоизи олий маълумотга эга эканлиги аниқланди.

Ривожланган хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги соҳасига хизмат кўрсатаётган агротехнополис, агротехнопарк, экстеншн-сервис ва шу каби маслаҳат консалтинг инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор берилётганини кузатиш мумкин. Албатта, Ўзбекистонда шундай инфратузилма хизматларини ривожлантириб бориш лозим, аммо бу инфратузилма хизматларини ривожлантириш учун уни ташкил эта олиш, юрита олиш қобилиятига эга малакали мутахассисларни етиштириш лозим.

Диссертациянинг **«Қишлоқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини инновацион ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг концептуал йўналишлари»** номли тўртинчи бобда деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган технологик марказларни ташкил этиш асосланган ҳамда инфратузилма хизматлари салоҳиятидан янада тўла ва самарали фойдаланишга йўналтирилган соҳани 2019-2024 йилларга бўлган даврда ривожлантиришнинг прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоғида инновацион инфратузилмани шакллантириш шарт-шароит ва омиллари ўрганилди ҳамда истиқболда уни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Таъкидлаб ўтиш лозимки, аграр соҳада инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш жараёни мажмуавий ва кўп жиҳатли характерга

¹⁵ Козлов А.В. Формирование кадровой политики сельского хозяйства России в условиях его инновационного развития / А.В. Козлов // Актуальные проблемы формирования кадрового потенциала для инновационного развития АПК (Минск 5-7 июня 2013 г.): Международная научно-практическая конференции – Минск: БГАТУ, 2013. С. 26-30. 0,8 п.л.

эга. Унинг шаклланиши ва ривожланишига, биринчидан, макроиқтисодий омиллар таъсир этса, иккинчидан, инфратузилма элементларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

Ишда 2018 йилда Қашқадарё вилояти Миришкор туманида ташкил этилган “Guzor Tekstil Impeks” МЧЖ агрокластери фаолияти таҳлил қилинди. Кластер қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари ҳисобланган 560 та фермер хўжалиги ва 524 га ер майдонига эга агрофирмадан иборат. Қиёсий таҳлил маълумотларига кўра, кластер тизимида фаолият юритиб келган фермер хўжаликларига ҳосилдорлик 18,4 ц/га, рентабеллик 4,3 фоизни ташкил этган. Ушбу ҳудудда фаолият юритиб келаётган ва агрокластер таркибига кирмаган фермер хўжаликларига ҳосилдорлик 12,8 ц/гани ва ҳар гектардан ўртача 2366,4 минг сўм зарар кўрганлиги аниқланган.

Пахта-тўқимачилик кластери учун сифатли пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи машина-трактор парк, минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш шахобчалари фаолият юритиб келмоқда.

Истикболда фермер хўжаликларига янада сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида зараркунандаларга қарши самарали курашда биологатория, қишлоқ хўжалиги техникаларига сервис хизматини кўрсатувчи шахобча яратиш, фермерлар малакасини ошириш, инновацион технологиялар билан таништириб бориш ва агротехника тадбирларини сифатли ўтказиш бўйича семинар-тренинг ва маслаҳатлар бериб борувчи ахборот консалтинг хизматини ташкил этиш мақсадга мувофиқ (5-расм).



5-расм. “Guzor Tekstil Impeks” МЧЖнинг ташкилий тузилмаси¹⁶

Ҳозирги кунда “Guzor Tekstil Impeks” МЧЖда “Ўзсаноатқурилиш банк” кредит маблағлари кўмагида “Замонавий инфратузилма мажмуасини ташкил

¹⁶ “Guzor Tekstil Impeks” МЧЖ Низоми ҳамда муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

этиш” лойиҳасини амалга ошириш учун жами 56 млрд. сўм маблағ сарфланиши белгиланган бўлиб, шу жумладан, 16 млрд. сўми ўз маблағлари ва 40 млрд. сўм банк кредитлари ҳисобига молиялаштириш белгиланган.

Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади иш жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш ва ишчи-ходимларга қулай шарт-шароит яратишдан иборат. Ушбу мақсадда 100 та жиҳозланган дала шийпонлари, замонавий МТП, ўқув маркази, агрокимёвий ҳимоя воситалари ва минерал ўғит сақлаш омборхонаси, 4 та ЁММ сақлаш шахобчалари қуриш ҳамда қўшимча 50 та ҳайдов трактори, 100 та ишлов бериш трактори, 300 та осма ва тиркама ускуналар харид қилиш белгилаб олинган. Ушбу объектларни қуриш учун агрокластер ҳудудида 60000 м² жой ажратилган бўлиб, жами 450 кишилиқ қўшимча янги иш ўринлари яратилади.

Фикримизча, агрокластернинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш лозим:

– агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш мақсадида мутахассис ва бу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларни жалб этиш ва ахборот-консалтинг хизматини йўлга қўйиш;

– суғориш иншоотларини таъмирлаш, эскиларини алмаштириш, модернизациялаш ва мутахассисларни жалб этиш;

– қўшимча қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш ва МТП таркибини кенгайтириб бориш;

– биолоборатория ва ўсимликларни ҳимоя қилиш шахобчаларини ташкил этиш;

– техникаларга сервис хизматини кўрсатиш тизимини шакллантириш.

Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, истиқболда қишлоқ хўжалигининг асосини нафақат деҳқон ва фермер хўжаликлари, балки йирик агрохолдинг компаниялари, қишлоқ хўжалигининг давлат – илмий-тадқиқот – қайта ишлаш – бизнес сингари субъектларини ўзаро бозор тамойилларига мос муносабатларни мужассамлаштирган агрокластерлар ҳамда инновацион инфратузилма таркибига кирувчи агротехнопарклар, технополислар, бизнес-инкубаторлар ташкил этади.


Қишлоқ хўжалигида моддий-техник таъминот тизимидаги инфратузилма хизматларини инновацион ривожлантиришда, уларнинг фаолияти ва таркибини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, “мамлакатимиздаги 146 минг 295 та қишлоқ хўжалиги техникасининг 38 фоизи аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган” и ҳамда “16 минг 495 та қишлоқ хўжалиги техникаси етишмаслиги аниқланган”¹⁷ и моддий-техник таъминоти фаолиятин такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Моддий-техник таъминот тизимини инновацион ривожлантиришда ихтисослашган технологик марказларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

¹⁷ Мирзиёев Ш.М. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир // Халқ сўзи, 10.12.2017 йил

Ихтисослашган технологик марказлар (давлат-хусусий шериклик шакли асосида) фермер хўжаликларини зарур қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлайди. Бундан ташқари, унинг таркибига қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва сервис хизмат, илғор технологияларни жорий этиш бўйича махсус хизматлар ҳамда консалтинг хизматлари каби бўлимлар киради

Мазкур ихтисослашган технологик марказларда хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш мақсадида улар ўртасида рақобат муҳитини ҳам шакллантиришга эътибор қаратиш, яъни битта ҳудудда бир нечта ихтисослашган технологик марказларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ (6-расм).



6-расм. Таклиф этилаётган ихтисослашган технологик марказнинг бошқарув тузилмаси¹⁸

Истиқболда ихтисослаштирилган технологик марказларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан жараён иштирокчиларининг иқтисодий эркинлик билан таъминланганлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармоғини барқарор ва инновацион ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажминини кўпайтиришни кўзда тутган ҳолда, биринчи навбатда, аҳоли жон бошига сут, гўшт ва тухум маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасини тиббий меъёрлар талабларига яқинлаштириш ва қайта ишлаш саноати корхоналарини хом ашё билан таъминлаш лозим. Аммо, шу билан бирга, чорвачилик хўжаликларининг инновацион ва барқарор ривожланиши чорва моллари бош сонининг кўпайиши, маҳсулдорликнинг ошиши, самарадорлик ёки рентабеллик даражаси билан эмас, балки чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг қай даражада ривожланганлик даражаси билан ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш жараёни бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришни инновацион

¹⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

ривожлантириш жараёни билан биргаликда олиб борилса, кўзланган натижага эришиш мумкин.

Тадқиқот ишида Қашқадарё вилоятида туманлар кесимида чорва молларининг алоҳида маҳсулдорлик кўрсаткичлари рейтинги ҳамда ушбу рейтинг натижаларига кўра, чорвачилик тармоғининг ривожланганлик даражаси бўйича туманлар рейтинги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Чорвачиликка ихтисослашган зооветеринария марказларини туманлар кесимида жойлаштириш¹⁹

Гуруҳлар	Гуруҳга кирувчи туманлар	Гуруҳ таркибига кирувчи туманлар таснифи	Ихтисослаштирилган зооветеринария марказлари
I гуруҳ	Қамаши, Қарши, Косон, Муборак, Касби	Чорвачилик тармоғи вилоят кўрсаткичларига нисбатан юқори даражада ривожланган, икки ва ундан ортиқ чорвачилик тармоғининг ихтисослиги бўйича илғор ҳисобланади ва юқори иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига эга илғор туманлар	<i>Чорвачиликка ихтисослашган такомиллашган технологик марказлар</i> қатъий давлат ветеринария хизмати назорати остида бўлиши, ветеринария соҳасидаги мутахассис кадрларнинг малакаси мунтазам ошириб борилиши, ветеринария лабораториялари техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаб борилиши, керакли ветеринария дори воситалари, озуқалар ва озуқабоп қўшимчалар билан таъминлашда устуворлик берилишига асосланган
II гуруҳ	Ғузор, Дехқонобод, Китоб, Миришкор, Нишон, Чироқчи, Шахрисабз, Яккабоғ	Чорвачилик тармоғи юқори даражада ривожланган, бир ва ундан ортиқ ихтисосликлар бўйича юқори натижага эга ва чорвачилик тармоғи бўйича ижобий самарадорликка эришган туманлар	<i>Чорвачиликка ихтисослашган фаол ривожланган технологик марказлар</i> - олиб кирилаётган ва олиб чиқиляётган чорвачилик маҳсулотлари сифатини доимий равишда назорат қилиш, ветеринария хизматлари мутахассисларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириб бориш, марказни техник жиҳатдан ва зарур ветеринария воситалари билан таъминлашга асосланган
III гуруҳ	Қарши ш., Шахрисабз ш.	Чорвачилик соҳасининг фақат битта самарали тармоғига ихтисослашган, чорвачиликнинг бошқа соҳалари етарли даражада ривожланмаган туманлар	<i>Чорвачиликка ихтисослашган меъёр даражада ривожланган технологик марказлар</i> - ўз вақтида самарали ветеринария хизматларини кўрсатиш, чорва моллари касалликларини таҳлил қилиш ва даволаш, мавжуд чорвачилик ихтисослигига қараб зарур ветеринария воситалари билан таъминлашга асосланган

¹⁹ Муалиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Аниқланган рейтинг маълумотларидан фойдаланиб, Қашқадарё вилояти туманлар кесимида зооветеринария марказларини 3 гуруҳга ажратган ҳолда, мақбул жойлаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Худудларда чорвачилик тармоғининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти, ривожланганлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда чорвачиликка ихтисослаштирилган зооветеринария марказларини ташкил этиш чорва моллари касалликларининг олдини олиш, уларни даволаш, профилактика ишларини самарали ташкил этиш имконини беради. Шунингдек, чорвачиликка хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматларининг сифатини ошириш, чорва моллари маҳсулдорлигини барқарор ошириб бориш ҳамда чорвачилик тармоғининг самарали фаолиятига замин яратади

Тадқиқот ишида чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий, биологик, техник-технологик каби **концептуал йўналишлари** аниқланган бўлиб, унинг асосий мақсади чорвачилик тармоғининг барқарорлиги, рақобатбардошлигини таъминловчи инфратузилма хизматларини инновацион ривожлантириш ҳисобланади.

Чорвачилик тармоғига инновацион хизматларни кўрсатувчи “Онлайн-хизматлар” ва “Кўчма тез ёрдам” хизматларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хизматларни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш тавсия этилади: ветеринария соҳасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни юритишга кўмаклашиш; ветеринарияда ахборот технологияларини қўллаш бўйича маслаҳатлар, ветеринария ахборот тизимларида ваколатли шахсларни рўйхатга олиш, ўқитиш, уларнинг ишини назорат қилишга кўмаклашиш; ветеринария масалалари бўйича маслаҳатлар бериш; чорвачилик маҳсулотларини ташишда, сақлашда, хоналар ҳамда чорва моллари ва чорвачилик маҳсулотларини ташувчи транспортларни дезинфекция қилиш ва тегишли маслаҳатлар бериб бориш.

Муаллиф томонидан қишлоқ хўжалигига оид инфратузилма хизматлар ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели тузилди. Кўп омилли эконометрик моделда қатнашадиган натижавий омил 2018 йил баҳосида ҳисобланган Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги инфратузилма хизматлари ҳажми млн. сўм (Y) ва унга таъсир этувчи омиллар сифатида қишлоқ хўжалигида технологик. маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар, млн. сўм (x1), қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма соҳасида олий маълумотли мутахассислар улуши, фоиз (x2), қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида жами жорий харажатлардан ўз кучи билан бажарилган фундаментал тадқиқотлар, млн.сўм (x3), қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида жами жорий харажатлардан ўз кучи билан бажарилган амалий тадқиқотлар, млн.сўм (x4), дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестиция, млрд. сўм (x5) олинди.

Эконометрик модель кўриниши қуйидагича:

$$y = e^{13,3} * x_1^{0,015} * x_2^{-0,114} * x_3^{-,0023} * x_4^{0,007} * x_5^{0,111} \quad (4)$$

Кўп омилли кўрсаткичли регрессион тенгламага (1) кўра, қишлоқ хўжалигида технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган

харажатларнинг 1 фоизга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолатда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ҳажмининг 0,015 фоизга ошиши мумкин, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма соҳасида олий маълумотли мутахассислар улуши 1 фоизга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолатда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ҳажми 0,114 фоизга камайиши мумкин, қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида жами жорий харажатлардан ўз кучи билан бажарилган фундаментал тадқиқотлар 1 фоизга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолатда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ҳажми 0,023 фоизга камайиши мумкин, қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида жами жорий харажатлардан ўз кучи билан бажарилган амалий тадқиқотлар 1 фоизга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолатда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлари ҳажми 0,007 фоизга ошиши мумкин, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестициянинг 1 фоизга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолатда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлар ҳажми 0,111 фоизга ошиши мумкинлиги аниқланди.

Шунингдек, тадқиқотда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот ҳажмига инфра-тузилма объектларининг ўзгариш динамикаси таъсири аниқланди.

Кўп омили регрессион чизиқли тенглама қуйидаги кўринишга эга:

$$y = 69326,95 + 33,89X_1 + 50,56X_2 + 16,41X_3 - 296,96X_4 \quad (5)$$

Эконометрик моделда (5) натижавий омил ва унга таъсир этувчи омилларнинг ўлчов бирликлари ҳар хил бўлганлиги сабабли, моделнинг эластиклик коэффицентлари аниқланди. Ушбу эластиклик коэффицентларига кўра, республикада ММТПлар сонининг 1 фоизга ошиши натижасида бошқа омиллар ўзгармаган шароитда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 0,33 фоизга ошиши мумкин, минерал ўғит сотиш шахобчалари сони 1 фоизга ошиши натижасида бошқа омиллар ўзгармаган шароитда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 0,32 фоизга ошиши мумкин. Зооветеринария шахобчалари сони 1 фоизга ошиши натижасида бошқа омиллар ўзгармаган шароитда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 0,2 фоизга ошиши мумкин. Республикада фаолият юритаётган ахборот консалтинг шахобчалар сони 1 фоизга ошиши натижасида бошқа омиллар ўзгармаган шароитда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 0,38 фоизга камайиши мумкин. Ваҳоланки, ушбу шахобчалар қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этишга кўмаклашиши лозим. Аммо олиб борилган кузатишларга кўра, ахборот консалтинг шахобчаларининг фаолияти қониқарли даражада эмас.

Ҳозирги кунда ушбу шахобчалар, асосан, бизнес-режа тузиш ёки йиллик ҳисоботларни тузишга кўмаклашиш ишларини бажариб келмоқда. Мазкур шахобчаларнинг фаолияти қониқарсиз деб топилганлиги сабабли 2018 йилда 2013 йилга нисбатан ушбу шахобчалар сони 296 тага қисқарган.

Тадқиқот жараёнида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлари ҳажми (2018 йил баҳосида), қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти

ҳажми (2018 йил баҳосида), ММТП сони ва зооветеринария шахобчалари сонининг истиқбол кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида бир нечта тренд моделлар ишлаб чиқилди. Ушбу тренд моделлардан энг мақбул варианты танлаб олинди (4-жадвал).

4-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматларининг тренд моделлари²⁰

№	Кўрсаткичлар	Тренд моделлари	R2
1.	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлари ҳажми (2018 йил баҳосида)	$y = 425,05t^3 - 10226t^2 + 86399t + 708430$	$R^2 = 0,8551$
2.	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми (2018 йил баҳосида)	$y = 7771,9t + 63360$	$R^2 = 0,9858$
3.	ММТП сони	$y = 0,1904t^4 - 5,4625t^3 + 26,094t^2 + 311,43t - 371,23$	$R^2 = 0,9412$
4.	Зооветеринария шахобчалари сони	$y = 0,7046t^4 - 27,366t^3 + 335,36t^2 - 1158,9t + 1008,9$	$R^2 = 0,9338$

Олинган тренд моделлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлари ҳажми (2018 йил баҳосида), қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми (2018 йил баҳосида), муқобил МТП ва зооветеринария шахобчалари сонининг 2019-2024 йилларга мўлжалланган прогноз параметрларини аниқлаймиз (5-жадвал)

5-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматларининг истиқбол кўрсаткичлари²¹

Йиллар	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлари ҳажми (2018 йил баҳосида), млн.сўм	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми (2018 йил баҳосида), млрд.сўм	ММТП сони, бирлик	Зооветеринария шахобчалари сони, бирлик
2018	996894,4	192699,2	1363	2479
2019*	1019850,0	203254,2	1819	2844
2020*	1043025,7	211026,1	2312	2912
2021*	1075590,9	218798	3059	2978
2022*	1120634,9	226569,9	4117	3040
2023*	1181553,7	234341,8	5547	3099
2024*	1262050,0	242113,7	7415	3155
2024 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз	126,6	125,6	544,0	127,3

* - прогноз кўрсаткичлар

²⁰ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

²¹ 4-жадвалдаги тренд моделлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ҳисобланган истиқбол кўрсаткичларига асосан 2024 йилда 2018 йилга нисбатан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлари ҳажми 26,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 25,6 фоизга, ММТП сони 444 фоизга ва зооветеринария шаҳобчалари сони 27,3 фоизга ошиши кутилмоқда

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини инновацион ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, 2000 йилдан буён қишлоқ хўжалигининг ўртача ўсиш суръати 6 фоизни ташкил этмоқда, инновацион ривожлантириш учун бир қатор ҳуқуқий-меъерий ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда аграр соҳада янги техника ва технологияларни жорий этиш амалиёти йўлга қўйилган.

2019-2024 йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва инфратузилма фаолиятини инновацион ривожлантиришда айнан инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш, тармоқнинг ички ва экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялашни чуқурлаштириш орқали тармоқнинг янада барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлиги таъминланади.

ХУЛОСА

1. Тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш билан боғлиқ “инновация”, “қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма”, “қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш”, “инновацион фаолият”, “инновацион инфратузилма” каби тушунчаларга такомиллашган муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилди.

2. Қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда табиий-биологик, ижтимоий, ташкилий-хўжалик, моддий-техник, иқтисодий омиллар таъсирини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг ўзига хослиги қишлоқ хўжалиги тармоғининг ўзига хос хусусиятга эга эканлигидан келиб чиқади, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий-биологик хусусиятлари ҳисобига тармоқнинг техник-технологик хусусиятлари келиб чиқади (ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, иш даврининг узунлиги ва ҳоказо). Ушбу фарқлардан келиб чиққан ҳолда узоқ ривожланиш жараёнида соҳанинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий жиҳат ва хусусиятлари шаклланди.

3. Қишлоқ хўжалиги тармоғига оид инфратузилмани инновацион ривожлантиришни баҳолашнинг ягона индексини ҳисоблаш учун уни характерловчи 3 та субиндекс орқали аниқлаш таклиф этилди: интеллектуал ва ташкилий ресурслар, моддий-техник мажмуа, меҳнат, ахборот ва молиявий ресурсларнинг ҳолати, куввати ва захирасини ифодаловчи *инновацион имконият индекси* (I_i); истеъмолчилар томонидан интеллектуал маҳсулотларни харид қилиш ва корхона фаолиятида қўллашга тайёргарлик даражасини акс

этирувчи кўрсаткичлар тизимидан иборат истеъмолчиларнинг *инновацияга талаб даражаси индекси* (I_{td}); қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш жараёнида инновацион инфратузилманинг элементлари ёрдамида бажарилган вазифаларнинг интеграллашган ва самарадорлик даражасини англатувчи *таркибий индекс* (I_t).

4. Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқларини инновацион ривожлантиришда биологик, техник-технологик ва ташкилий инновацияларнинг самарадорлик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш услубиёти такомиллаштирилди. Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг самарадорлик кўрсаткичлари олинган самара туридан келиб чиққан ҳолда тизимлаштирилди ва турли харажатлар билан қиёсланди.

5. Республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратилувчи инвестициялар ҳажми кейинги йиллар давомида ошиб борган, аммо иқтисодиёт тармоқларига сарфланган жами инвестициялар ҳажмида қишлоқ хўжалигига ажратилувчи инвестициялар улуши кейинги йилларда камайиб бормоқда ва 2018 йилда 3,3 фоизини ташкил этган. Унинг асосий қисми суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфлаб келинмоқда. Ўзбекистон аграр секторида инновациялар ҳажми жами ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмида 0,00004 фоизни ташкил этади, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоғида эса бу кўрсаткич ундан ҳам кам.

6. Тадқиқот давомида Қашқадарё вилояти Миришкор тумани фермер хўжаликлари, ММТП, СИУ ва минерал ўғит билан таъминлаш шахобчаларининг раҳбарлари ўртасида қишлоқ хўжалигига оид инфратузилмани инновацион ривожлантириш бўйича ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, сўнгги 5 йилда инновацияларни ўз фаолиятида қўллашга тўсиқ бўлаётган муаммо сифатида фермер хўжаликлари раҳбарларининг 85 фоизи, муқобил МТП – 95 фоизи, минерал ўғит билан таъминлаш шахобчалари – 97 фоизи, сув истеъмолчилари уюшмаси – 90 фоизи молиявий маблағларнинг етишмаслигини эътироф этган.

7. Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларга таъсир этувчи ижобий ва салбий омиллар аниқланди ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили ўтказилди. Ўтказилган SWOT-таҳлил натижаларига кўра, қишлоқ хўжалигига оид инфратузилмани инновацион ривожлантиришда ички-ташқи ҳамда ижобий-салбий омилларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

8. Тадқиқот давомида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан олиб борилаётган аграр сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳамда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ривожланганлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инвестицион-инновацион ривожлантириш йўналишлари ишлаб чиқилди.

9. Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни амалга оширувчи ва инновацион ривожланишига кўмаклашувчи шакл, дастак ва бошқарув усуллари

йиғиндисидан иборат қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилди. Мазкур механизмни амалиётга жорий этиш натижасида АСМда сифатли, рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва соҳада инновацион фаолиятнинг ривожланиши таъминланади.

10. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоғида инновацион инфратузилмани шакллантириш шарт-шароит ва омиллари ҳамда хорижий ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, истиқболда унинг ривожланиши бўйича *концептуал модель* ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалигида инновацион инфратузилмани ривожлантириш натижасида инновацион маҳсулот ҳажми ошиши, фойданинг кўпайиши, бюджетга тушадиган солиқлар ҳажмининг ошиши ва инновацион иқтисодиётнинг ривожланиши илмий жиҳатдан асослаб берилди.

11. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи моддий-техник таъминот сифатида фаолият кўрсатувчи ихтисослашган технологик марказларни шакллантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Худудий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда махсус ихтисослашган технологик марказларни ташкил этиш натижасида кўрсатиладиган иш ва хизматларга талабни аниқлаш; маълум худудларда қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бера олувчи қишлоқ хўжалиги техникаларининг оптимал таркибини белгилаш; потенциал мижозлар ва технологик марказлар ўртасида ўзаро манфаатга асосланган иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш имконини беради.

12. Тадқиқот жараёнида худудларда чорва молларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларига кўра аниқланган рейтинг натижалари бўйича, чорвачиликка ихтисослаштирилган зооветеринария марказларини дифференциаллашган ҳолда мақбул жойлаштиришга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, чорвачилик тармоғига инновацион хизматларни кўрсатувчи “Онлайн-хизматлар” ва “Кўчма тез ёрдам” хизматларни ривожлантириш бўйича амалий йўналишдаги тавсиялар ишлаб чиқилди.

13. Тадқиқот жараёнида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлари ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги эконометрик модель ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган тенгламадаги эластик коэффицентларнинг барчаси бирдан пастлиги, яъни ноэластиклиги қишлоқ хўжалигида давлат аралашуви юқорилиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида монопол ҳолатнинг мавжудлигини билдиради. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида жами жорий харажатлардан ўз кучи билан бажарилган фундаментал тадқиқотлар 1 фоизга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолатда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ҳажми 0,023 фоизга камайиши мумкинлиги аниқланди, бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган фундаментал тадқиқотларнинг тижоратлаштириш даражаси пастлигини билдиради.

14. Тадқиқотда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот ҳажмига инфратузилма объектлари ўзгариш динамикаси таъсири бўйича кўп омилли регрессион тенглама ишлаб чиқилди ва унда иштирок этаётган омилларнинг эластик

коэффициентлари ҳисобланди. Ҳисобланган эластик коэффициентларга кўра, Республикада фаолият юритаётган ахборот консалтинг шахобчалар сони 1 фоизга ошиши натижасида бошқа омиллар ўзгармаган шароитда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 0,38 фоизга камайиши мумкин. Ваҳоланки, ушбу шахобчалар қишлоқ хўжалигида инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга кўмаклашиши лозим.

15. Ҳисобланган истикбол кўрсаткичларига асосан 2024 йилда 2018 йилга нисбатан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлари ҳажми 26,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 25,6 фоизга, ММТП сони 444 фоизга ва зооветеринария шахобчалари сони 27,3 фоизга ошиши кутилмоқда.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.10.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА, НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ЭКОНОМИКИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАМРАЕВА САЙЁРА НАСИМОВНА

**НАПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ
ИНФРАСТРУКТУРЫ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ**

08.00.04 - Экономика сельского хозяйства

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № B2019.4.DSc/Iqt147

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.tiame.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Эргашев Рахматулла Хидирович
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Муртазаев Олим
доктор экономических наук, профессор

Мирзаев Кулмамат Джанзакович
доктор экономических наук, профессор

Кодиров Абдусатторхужа
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в __:__ ч. на заседании научного совета DSc.27.06.2017.I.10.03 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Научно-исследовательском институте экономики сельского хозяйства по присуждению ученых степеней. (Адрес: 100000, город Ташкент, улица Кари-Ниязий, дом 39. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail:admin@tiame.uz.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (регистрационный №__) (Адрес: 100000, город Ташкент, улица Кари-Ниязий, дом 39. Тел.: (99871) 2371945, e-mail:admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(протокол реестра рассылки №__ от «__» _____ 2019 года).

У.П. Умурзаков

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.э.н., профессор

Б.Ф. Султанов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.э.н., старший научный сотрудник

Н.С. Хушматов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук(DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современных условиях мировой интеграции обеспечение продовольственной безопасности страны требует адаптацию отрасли к изменяющейся внешней окружающей среде, влияющим разнообразным инновациям и научно-техническому прогрессу на основе устойчивого развития сельского хозяйства. Поэтому во многих развитых странах мира современный этап развития сельского хозяйства определяется как переход к инновационной модели, способствующей систематической интеграции аграрной и научно-технической сфер для повышения её эффективности. В частности, «возникает необходимость создания «умного сельского хозяйства», в целях оптимизации системы производства и распределения, а также внедрения новых бизнес моделей, которые теперь будут больше фокусироваться на эффективном использовании земли, энергии и других природных ресурсов, а также на потребностях беднейшего населения мира»¹.

К 2050 году население мира вырастет до 9,7 миллиарда человек, что приведёт к глобальным проблемам². Эти проблемы создают серьёзную угрозу достижению права на достаточное питание и основополагающего права каждого человека на свободу от голода. Потребуется от сельхозпроизводителей больше производить продовольствия, чтобы прокормить растущее население, и для достижения целей в области устойчивого развития. С этой точки зрения, реформирование инновационной продовольственной системы является основным инструментом, содействующим спасению семейных фермеров от бедноты, продовольственной безопасности, устойчивому сельскому хозяйству и достижению резолюции Генеральной Ассамблеи ООН «Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года», принятой 25 сентября 2015 года³.

В Узбекистане также уделяется внимание на обеспечение всех условий для активизации инновационных процессов во всех отраслях экономики, включая сельское хозяйство. Инновационное развитие позволит решить существующие проблемы в сельском хозяйстве и радикально изменить его облик, перейти на новый этап развития сельского хозяйства и инфраструктуры в сельском хозяйстве. В этом контексте в условиях модернизации страны определена приоритетная задача «разработать комплексную программу дальнейшего реформирования сельского хозяйства», «восстанавливать наши исчезающие традиционные сорта овощей и фруктов, наладить рациональную и эффективную селекционную работу, широко внедрять в сферу научные достижения и инновационные разработки»⁴, а также «нам крайне нужны фермеры, в совершенстве освоившие современные сельскохозяйственные технологии,

¹ https://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2017/article_0006.html // Глобальный инновационный индекс, 2017 г.: в рейтингах лидируют Швейцария, Швеция, Нидерланды, США и Соединенное Королевство.

² Там же.

³ <http://www.fao.org/about/meetings/agricultural-innovation-family-farmers-symposium/about/en/>; Consensus Reached on New Sustainable Development Agenda to be adopted by World Leaders in September; Open Working Group proposal for Sustainable Development Goals

⁴ там же.

владеющие инновационными методами производства»⁵. Здесь методы и механизмы инновационного развития инфраструктуры должны не только соответствовать современным рыночным принципам народного хозяйства, но и учитывать особенности каждого региона. В целом, комплексное изучение инновационной деятельности и процессов в отраслях инфраструктуры сельского хозяйства, критическое исследование существующей ситуации и инновационное развитие инфраструктуры в сельском хозяйстве становятся объективной необходимостью.

Данное диссертационное исследование в определённой степени послужит выполнению задач, определённых в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-5853 «Об утверждении стратегии на 2020-2030 года по развитию сельского хозяйства Республики Узбекистан» от 23 октября 2019 года, №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5308 ««О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий»» от 22 января 2018 года, №УП-5544 «Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы» от 21 сентября 2018 года, Постановлениях №ПП-3698 «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в секторах и отраслях экономики» от 7 мая 2018 года, №ПП-2460 «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годах» от 29 декабря 2016 года, №ПП-3751 «О дополнительных мерах по повышению эффективности оказания услуг сервиса и механизации производителям сельскохозяйственной продукции» от 29 мая 2018 года и других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁶. Научные исследования, связанные с инновационным развитием инфраструктуры в сельском хозяйстве осуществляют ведущие исследовательские центры и университеты мира, в том числе Гарвардский университет (США), Канадский научный совет и входящий в его состав Канадский совет сельскохозяйственных исследований (САРС), Служба сельскохозяйственных исследований (США), NESTA is the National Endowment for Science, Technology and the Arts (Национальный фонд науки, технологий и искусств, Великобритания), Объединённая служба исследований в штатах (США), Университет Steinbeis (Германия),

⁵ Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису, 29 декабря 2018 год

⁶ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе <http://www.bloomberg.com/graphics/2015-innovative-countries/>; <https://www.wur.nl/>; <http://www.cirad.fr/>; www.un.org/; <http://agriculture.vic.gov.au/>; <https://www.ugent.be/>; <http://www.kgau.ru/new/all/konferenc/05/>; <https://www.nesta.org.uk/>; <http://ap.ftc.agnet.org/>; <http://ec.europa.eu/>; <http://old.timacad.ru/>.

Flamanders Interuniversity Institute for Biotechnology – VIB (Межвузовский институт биотехнологий им. Фламандера – Фландрия), Agriculture Infrastructure and Jobs Fund (Фонд сельскохозяйственной инфраструктуры и рабочих мест, Австралия), Всероссийский научно-исследовательский институт экономики сельского хозяйства, Федеральное государственное бюджетное научное учреждение «Российский научно-исследовательский институт информации и технико-экономических исследований по инженерно-техническому обеспечению агропромышленного комплекса» (ФГБНУ «РОСИНФОРМАГРОТЕХ»).

